



"TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ  
XO'JALIGINI MEXANIZATSIYALASH  
MUHANDISLARI INSTITUTI" MTU



**FAN:**

**•Энергоаудит**

**MAVZU**

**Объектларда энергия тежаш бўйича  
энергия текшируви ва энергия  
экспертизасини ўтказиш қоидалари**



Nuraliyeva Nodira  
Abdukamilovna



Elektrotexnologiyalar va  
elektr jihozlaridan  
foydalanish kafedrası



# Режа

1.

- Объектларда энергия тежаш бўйича энергия текшируви ва энергия экспертизаси ўтказиш қоидалари.

2.

- Энергия тежашни текшириш ва экспертиза қилиш турлари ва таритиби

3.

- Энергия тежаш бўйича ўтказиладиган текширув ва экспертизага доир ҳуқуқ ва жавобгарлик

## Энергия тежашни текшириш ва экспертиза қилиш турлари ва таритиби

Дастлабки энергетик экспертиза (текширув) га қуйидагилар таалукли:

1) Ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиёти ва жойлаштирилишининг лойихавий схемалари

тараққиёт схемаларининг лойиҳаси, энергия тежашни, меъерий-техник хужжатлар ва меъер ва қоидалар лойиҳасини, Янги энергия талаб техника, технология яратиш ва материаллар хужжатларини акс эттиради



2) Ишлаб чиқилган хужжатларнинг ҳозирги замон Фан, техника ютуқлари ва технологияларига, ҳамда амалдаги меъерий хажжатларга мослиги баҳоланади

уларнинг иқтисодий самараси ҳисобга олинади; техник-иқтисодий асослар ва янги қурилиш ва амалдаги объектларни кенгайтириш лойиҳаларига, энергеия тежамкор технология, ускуна ва материаллар сотиб олиш хужжатларига баҳо берилади

3) Қурилиш қиймати ва муддатлари, объектларнинг ўзини ўзи қоплашига, танланган ускуна, технологияларнинг тўғрилига баҳо берилади.

4) Лойихани руёбга чиқариш бўйича муқобил вариантлар билан солиштирилади;

5) Энергия манбаларидан фойдаланиш самарасига баҳо берилади

6) Ёқилғи-энергетик манбалардан фойдаланувчи ускунанинг иш самарадорлиги текшириб чиқилади

7) Амалдаги ускуна иш кўрсатгичи лойихавий кўрсаткичлар билан солиштирилади, номослик сабаблари аниқланади



**Текширув натижалари истеъмолчининг энергия паспортига киритилади, унинг намунаси Ўздавэнергоназорат томонидан тасдиқланади. Текширув натижалари бўйича хулоса ва ёқилғи-энергетик манбалардан фойдаланиш самарасини оширишга оид тавсиялар берилади**

Ишга тушириш ва фойдаланишга топришдан олдин ўтказиладиган экспертиза энергия тежаш объектларининг энергиядан фойдаланувчи ускуналарида ўтказилиб, бунда курилган ускунанинг Давлат анзалари, СНиП (КМК - курилиш меъёрлари ва қоидалари), меъерий хужжатлар талабиларига ва энергия самараси кўрсаткичлари бўйича лойихавий маълумотларга жавоб бериш текширилади



### Энергия тежаш экспертизасини ўтказиш даврийлиги

Энергия тежаш экспертизасини ўтказиш даврийлиги – камида 3 йилда бир марта бўлиб бунда

**Аввал берилган тавсияларнинг бажарилиши текширилади.**

Энергия манбаларини истеъмол қилиш динамикаси ва махсулот ишлаб чиқаришга кетган солиштирма харажатларга баҳо берилади

Текшириш натижалари бўйича истемолчининг энергия паспортига ўзгартиришлар киритилади, хулоса ва тавсиялар берилади

**Навбатдан ташкари экспертиза** Давлат энергия назоратининг ташаббуси билан қуйидаги ҳолларда ўтказилади

**билвосита аломатлар бўйича** (энергия манбалари умумий ва солиштирма истеъмолининг, маҳсулот таннархи ва уни таркиб этувчи ёқилғи таннархи атроф муҳитга ташламалар ортириш), энергия манбаларидан фойдаланиш самарадорлигини пастга тушиб кетганлиги тўғрисидаги тахмин бўйича

Экспертиза натижалари уларнинг тўғрилигига шубҳа ўйготса

Истеъмолчи томонидан ёқилғи – энергетик манбаларидан фойдаланишга боғлиқ имтиёзлар бериш тўғрисида Давлат бошқарув идораларига мурожат қилинган бўлса



## Махаллий ва экспресс



экспертиза заруратга қараб ўтказилади ва хажм, вақт бўйича чекланган хусусиятга эга

Бунда, энергия манбаларидан бир тури (электр ёки иссиқлик энергияси, каттик, суюқ ёки газсимон ёқилғи) текширилади.

Иккиламчи манбаларнинг, алохида ёки бир гуруҳ агрегатларининг энергиядан фойдаланиш самарадорлигининг айрим кўрсаткичлари бўйича баҳо берилади.

**Қорхона, ташкилот ва муассасалар экспертиза ва текширув натижалари бўйича берилган тавсияларнинг бажарилиши тўғрисида мунтазам (белгиланган тадбирларнинг муддатига қараб), лекин камида йилда 1 марта “Ўздавэнергоназорат” га ахборот беради**

**Энергия тежаш бўйича текширув ва экспертиза ўтказиш услуги**

**1) Энергия тежаш бўйича экспертиза ва текширув эксперт ташкилотлар томонидан “Ўздавэнергоназорат” Агентлиги тасдиқлаган ва “Ўздавнефгазинспекция” билан келишилган услубда ўтказилади**

**2) Энергия тежаш бўйича экспертиза ва текширув ўтказиш услуги амалдаги иқтисодиёт соҳаларида ёқилғи-энергетик манбаларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолаш усуллари асосида ишлаб чиқилади**

**Экспертиза ва текширув ўтказишдан олдин ишлаб чиқилган услубга мувофиқ иш дастури тузилади (тех. вазифа) ва текшириладиган истеъмолчи билан келишилади**





## Энергия тежаш бўйича ўтказиладиган текширув ва экспертизага доир ҳуқуқ ва жавобгарлик

1

Ўздавэнергоназорат” корхона, ташкилот ва муассасаларидан энергиядан фойдаланиш, ишлаб чиқаришнинг энергия самарасига оид техник ва иқтисодий маълумотлар ва бошқа материалларини талаб қилиб олишга ҳақли

корхона, ташкилотлар эса талаб қилинган ҳужжатларни белгиланган тартибда беришга мажбур

2

Текширув ва экспертиза ўтказишни амалга оширувчи «Ўздавэнергоназорат” амалдаги қонунчилик билан белгиланган ваколатидан ўтмаслиги, давлат ва тижорат сирларига риоя қилишни таъминлаши лозим

текширув ва экспертиза ўтказиладиган пайтда корхонанинг хўжалик фаолиятларини бажаришга тўсқинлик қилмаслиги

давлат ва тижорат сирларига риоя қилишни таъминлаши лозим.



3

Энергия самарадорлиги бўйича тадбирлар корхона, ташкилотлар айби билан амалга оширилмаган бўлса, уларга нисбатан энергиядан фойдаланишдаги камчиликлар учун Уз.Р. қонунчилиги асосида чоралар кўрилади



4

Корхона ва ташкилот раҳбарларига аниқланган камчиликларни бажаришга доир ижро қилиши мажбурий кўрсатмалар бериш



5

Хавсизлик қоидалари ва маъерларини бузиб олиб борилаётган ишларни тўхтатиш, ҳамда кишилар ҳаётига хавф солинган пайтда уларни иш жойларидан олиб чиқиш



6

Энергетика ускуналаридан фойдаланиш бўйича қоида ва йўриқномаларни бузганлик учун масъул шахс ва фуқароларни белгиланган тарихда маъмурият жавобгарликка тортиш



7

ХТ қоидалари, иссиқлик ва электр энергиясидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгар шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини кўриб ҳужжатларини ҳуқуқини химоя қилувчи идораларга бериш

## Синов саволлари

1) **Объектларда энергия тежаш бўйича энергия текшируви ва энергия экспертизаси ўтказиш қоидаларини биласизми?**

2) **Энергия тежашни текшириш ва экспертиза қилиш турлари ва таритиби қандай?**

3) **Энергия тежаш бўйича ўтказиладиган текширув ва экспертизага доир ҳуқуқ ва жавобгарлик қанақа тартибда?**

4) **Стандартлаш қайси қоидага асосланади ?**



"TOSHKENT IRRIGATSIYA VA QISHLOQ  
XO'JALIGINI MEXANIZATSIYALASH  
MUHANDISLARI INSTITUTI" MTU



**E'TIBORINGIZ UCHUN RAHMAT!**



Nuraliyeva Nodira  
Abdukamilovna



Elektrotexnologiyalar va elektr  
jihazlaridan foydalanish  
kafedrası



+ 99893-573-72-77



n.nodira333@gmail.com